

Илмий-услубий,
маънавий-маърифий журнал.
Таъсисчи:
Ўзбекистон Республикаси Олий ва
Ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқшунослик
институтини
1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган
(№ 02-0055 26 сентябрь 2014 йил)

Бош муҳаррир:

А. МАННОНОВ (проф., ф.ф.д.)

Таҳрир хайъати:

Г. РИХСИЕВА (доц., ф.ф.н.)

(бош муҳаррир ўринбосари)

А. ҚУРОНБЕКОВ (проф., ф.ф.д.)

(масъул котиб)

С. ҲАСАНОВ (проф., ф.ф.д.)

Қ. СОДИҚОВ (проф., ф.ф.д.)

С. КАРИМОВА (т.ф.д.)

А. ДОНИЁРОВ (проф., т.ф.д.)

Н. КАРИМОВА (проф., т.ф.д.)

У. ИДИРОВ (с.ф.д.)

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ (доц., ф.ф.н.)

М. АБДУРАҲМОНОВА (доц.,

ф.ф.н.)

У. МУҲИБОВА (доц., ф.ф.д.)

Б. ОБИДОВ (доц., т.ф.н.)

Д. ПЎЛАТОВА (доц., фал.ф.н.)

ОНО МАСАКИ (Цукуба

унив. проф.)

ЛИ ДЖИ ИН (Ханкук чет тиллар

унив. проф.)

Нашрга тайёрловчилар:

З. АЛИМОВ

Ш. ГАИПОВА

Ш. ТҒЙЧИБАЕВА

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Олий Аттестация Комиссияси
томонидан филология ва тарих
йўналиши бўйича илмий
мақолалар чоп этиладиган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал оригинал-макет асосида
босилди.

Sharq mash'ali, 2018 йил 1-сон.

e-mail: nashriyot_ilmiy@mail.ru

web-site: www.fashgiv.uz

Босишга рухсат этилди 30.03.2018.

Бичими 84x108 1/16 Шаргли 6.т. 8,5.

100 нусхада босилди. Буюртма №

Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

SHARQ

MASH'ALI

ISSN 2010-9709

МУНДАРИЖА №1 (58) 2018 йил

Журналнинг мазкур сони Эрон-афғон филологияси
кафедрасининг 100 йиллигига бағишланади билан

Қуронбеков А. Эрон-афғон филологияси
кафедрасининг юз йиллиги: ўтмиши, ҳозирини
ва келажаги 3

Воҳидов А. Машраб асарлари
қаландарийлик терминологияси
манбаси сифатида 8

Алимова Х. Дарий тилида -ak/-gak
суффиксли ясалмаларнинг семантикаси 14

Маҳмадалиев Х. Форсий изоҳли лугатлар
ва улардаги шаклдош тил бирликлари 23

Аҳмедова Д. Газета матнларида
отлар сон категориясининг қўлланиши 27

Мирзахмедова Х. Форс тилида
қадимги ва ўрта форс тили сўз яшаш
унсурларидан термин яшаш 31

Ертаев Ш. Аффиксация усули билан
ясалган ҳарбий терминлар 35

Ҳодиева Н. Форс тилида содда
фёъл асосида тузилган қўшма
фёълларнинг структур таҳлили 39

Нуриддин Н. Форс тилида копулятив
бирликларнинг ифодаланишига оид
мулоҳазалар 44

Нишанбаева А. Алишер Навоийнинг
“Ҳайрат ул-аброр” достонидаги
ўзлашма форсий фёлий яримаффикслар
асосида сўз ясалиши 48

Арифджанов З. Форс тилида фёълларнинг
лексик-семантик вариантлашуви 51

Маматкулов О. Пашту тилидаги
ўзлашмалар, уларнинг кириб келиш
сабаблари ва омиллари 56

Ўктамova Х. Муҳаммад Раҳим Илҳомнинг
داستور زبان فارسی Дастур-е zabân-e dari китоби:
асосий тушунчалар ва таҳлил 60

Эрон ва афғон
тилишунослиги

© Тошкент давлат шарқшунослик
институти, 2018 йил 19 апрель

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқланиши мумкин.

**Эрон ва афғон
адабиёти**

Иномхўжаев Р. Борик Шафёй:
маърифатпарварликдан инқилобийликкача. 65
Турдиева О. Ҳозирги замон
эрон ҳикоянавислигида
Эрон-Ирок уруши мавзуси 72
Низамова Ф. Шоирнинг рубоийчилиги
санъатидаги ўрни 78
Юсупова Н. Янги давр форс шеърлятида
жанрлар типологияси 83
Мажитова С. Жомий ғазалиётида араб
алифбосидаги баъзи ҳарфларнинг маъно
жилолари 88
Ҳамидов Х. Мумтоз форс адабиётида
ҳикоят жанрининг тарихий тараққиёти 94
Кабирова Н. Раҳнавард Зарёб
ҳикояларида сюжет яратиш маҳорати 97
Қаландаров М. Бадиий тимсоллар ва
рамзларни таҳлил қилишда замонавий
технология имкониятлари 101

Манбашунослик

Маҳмудов Ж. Амир Темур узутининг сири.. 104

Тил таълими

Kambarova M. The methods of teaching
special literature in foreign language
lessons (based on materials of architecture) 108

Тарихшунослик

Мадраимов А. Герат в эпоху
Амира Темура и Темуридов
в трудах академика В.В.Бартольда 113

**Халқаро
муносабатлар**

Назирова М. Ўзбекистоннинг Марказий
Осиёда барқарор ижтимоий-сиёсий
муҳитни шакллантириш сиёсатида
Афғонистон омили 119

Илмий ахборот

Умарова С. Суйима Ғаниева –
мумтоз адабиёт тарихи билимдони 125

Тақриз

Джафаров Б. Дурдона Раҳимлининг
“форс тилидаги туркий сўзлар”
номли китоби ҳақида 132
Алимова Х. Р. Иномхўжаевнинг «Язык
пашто. Практический курс (продвинутый
уровень)» дарслигига тақриз 136



ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЭРОН ҲИКОЯНАВИСЛИГИДА ЭРОН-ИРОҚ УРУШИ МАВЗУСИ

ТУРДИЕВА ОЙДИН

Филология фанлари доктори, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур мақолада Эрон-Ироқ урушининг ҳозирги замон Эрон адаблари ижодида таъсири ёритилган. Хусусан, уруш мавзусини ёритишда ҳикояларда қўлланган адабий услублар ва кўтарилган ҳолатлар бир қанча ҳикоянавислар ижоди мисолида таҳлилга тортилган.

Таянч сўз ва иборалар: Эрон-Ироқ уруши, муқаддас муҳофизат насрий адабиёти, мажбурий уруш адабиёти, ҳикоя, Розия Туджжар.

Аннотация. Статья посвящена влиянию ирано-иракской войны на творчество современных иранских писателей. В частности, в ней представлен анализ литературных приёмов и идей, использованных для освещения военной тематики на примере творчества нескольких прозаиков.

Опорные слова и выражения: Ирано-иракская война, литература священной обороны, литература навязанной войны, рассказ, Розия Туджжар.

Abstract. This article is devoted to the influence of Iran-Iraq War to creative works of modern Iranian writers. In particular, it presents an analysis of literary techniques and ideas used to cover military topics, on the example works of several prose writers.

Keywords and expressions: Iran-Iraq War, sacred defense literature, literature of an imposed war, short story, Roziya Tudzhzhar.

Эрон-Ироқ уруши XX асрнинг сўнгги чора-гида содир бўлган энг шафқатсиз ва йирик ҳарбий тўқнашувлардан бири ҳисобланади. Бу уруш Ироқ диктатори Саддам Ҳусайннинг янги ислом давлатини ўзига бўйсундириш, Ироқ билан чегарадош ва нефтга бой бўлган Ҳузестон вилоятига эга бўлиш учун қилинган уринишлари маҳсули эди. Саддам Ҳусайннинг орқасида эса унинг қўллари билан эрон инқилоби куртакларини йўқ қилишни мўлжаллаган айрим Европа давлатлари, хусусан Буюк Британия ва АҚШ турарди. Бироқ Ироқ ҳукумати ва унинг ғарбдаги ҳомийлари Эрон халқининг ватан ҳимояси учун бир ёқадан бош чиқариб, мардонвор курашга бел боғлаганларида қанчалик кучли қаршиликка дуч келишларини ҳатто тасаввур ҳам қила олмаган эдилар. Эрон жамиятида мазкур ҳодисалар ҳозирги кунга қадар “دفاع مقدس” – “Муқаддас муҳофизат” ва “جنگ تحمیلی” – “Мажбурий уруш” (“мажбуран қабул қилдирилган уруш”) номи билан тилга олинади. Дарҳақиқат, яқиндагина ғарбпараст шоҳ ҳукумати билан курашиб ғалаба қозонган ёш давлат учун бу уруш мажбуран қабул қилдирилган эди.

1980 йилнинг сентябрь ойидан 1988 йилнинг август ойигача давом этган бу уруш ҳар икки тарафдан юз минглаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлди.

Эрон халқининг босқинчиларга нисбатан саккиз йил давом этган қаршилиги Эрон адабиётини шиддат билан ўз таъсирига олди. Бу ҳодиса форс адабиётига янгидан-янги мавзулар, мазмунлар, ҳатто янги сўзлар олиб келди. Ҳозирги замон эрон насрида “муқаддас муҳофизат насрий адабиёти” (“ادبیات داستانی دفاع مقدس”) ёки “мажбурий уруш адабиёти” (“ادبیات جنگ تحمیلی”) номи билан аталувчи алоҳида йўналиш пайдо бўлди ва уруш якунлангунига қадар ҳамда ундан кейинги йилларда адабиётдан алоҳида ўрин эгаллади. Халқнинг эзилган қиёфаси тасвири, ватан ҳимояси учун курашга чорловлар, Саддам Ҳусайннинг зулми ва жиноятлари баёни, аскарлар мардлиги ва шаҳид кетганларнинг қаҳрамонликлари тавсифи Эрон-Ироқ уруши йиллари ва ундан кейин эзилган асарларининг асосий мазмунини ташкил қилди. Уруш йилларида қаҳрамонлик руҳи билан суғорилган асар-

лар тил, шакл ва мазмуннинг ўзгаришига, бойишига сабаб бўлди. Тили ва баён услубининг соддалиги, бой ислом анъаналаридан фойдаланилганлиги бундай асарларнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Эрон-Ироқ уруши ҳақида қалам тебратувчи кўплаб адиблар бу даврда қўлларига қурол олиб курашганлиги ва урушнинг жонли гувоҳлари бўлганлиги сабабли уларнинг уруш мавзусида ёзган дастлабки бадиий асарлариочерк характерида бўлиб, ёзувчиларнинг хотираларидан иборат эди. Гарчи урушнинг илк йилларида яратилган бундай асарларда ҳужжатларга асосланганлик хусусияти устунлик қилиб, услубий жиҳатдан пухта бўлмаса-да, вақт ўтгани сайин улар такомиллашиб адабиётда ўз ўрнига эга бўла бошлади.

“Мана шу ўн йил мобайнида (1980–1990 йиллар) 1600 га яқин ҳикоялар журналларда босилиб чиқди, 46 та роман нашр этилди. Деярли ҳеч бир адиб жанг ва унинг оқибатларига нисбатан бефарқ қолмадилар. 1980 йилдан 1994 йиллар оралиғида 258 адиб фронтдаги кундалик ҳаёт, ҳарбий амалиётлар, душман асирлигидаги азоблар, минтақадаги қийин ҳаёт, шаҳарлар учун жанглар, ўлим ва вайронгарчиликлар, урушдан чарчаган халқнинг саргардонлиги, муҳожирлар ва муҳожирларни қабул қилган мезбон шаҳарлар аҳолиси ўртасидаги келишмовчиликлар ва уруш оқибатлари ҳақида ёздилар”¹.

Ислом инқилобидан олдин ўзларининг етуклик даражасига етган моҳир адиблар Абдулҳай Шамосийнинг “شش‌تابلو” (“Олти тасвир” 1981 й.) асари, Сирус Тоҳбознинг “مرغامین” (“Омин куши” 1981 й.) повести, Муҳсин Махмалбофнинг “نوجش‌مبی سو” (“Нурсиз икки кўз” 1984 й.) ҳикоялар тўплами, Аҳмад Маҳмуднинг “زمین‌سوخته” (“Куйган замин” 1984 й.), Қосимали Фаросатнинг “نخل‌های بیموده” (“Мевасиз пальмалар” 1984 й.) асарлари Эрон-Ироқ уруши адабиётининг илк намуналари ҳисобланса, улар билан бир қаторда эндигина адабиёт майдонига қадам қўяётган ёш, истеъдодли ёзувчилар (Али Мазнийнинг “قاصدک” (“Қоқи ўт”) ва “آفتاب‌نیل” (“Қуёшли тундаги учрашув” 1992 й.),

Иброҳим Ҳасанбегининг “ریشه‌در اعماق” (“Чуқурликдаги илдиз” 1994 й.), Хусайн Фаттоҳийнинг “عشق‌س‌ال‌های جنگ” (“Уруш йилларидаги севги” 1994 й.), Муҳаммад Ризо Байрамийнинг “پلم‌علق” (“Муаллақ кўприк” 2002 й.), Фируз Занузи Жалолий, Саид Меҳди Шўжоий ва бошқалар) ҳам уруш мавзусида асарлар яратишга қўл урдилар.

80-йилларда уруш бошланганидан кейин насрда, жумладан ҳикоянависликда уруш билан боғлиқ турли ҳодисалар қаламга олинди. Ижодкор ёзувчилар ватан йўлида шахидбўлган қаҳрамонлар, халқ бошига тушган мусибатларни тасвирлашда, асосан, бадиий насрнинг энг етакчи, тезкор ва ҳозиржавоб ҳикоя жанрига мурожаат қилдилар. Бундай ҳикояларда ҳар хил қонли жанг тасвирлари, мазлум халқнинг фожёаси ва энг асосийси – руҳий ҳолати тасвири етакчилик қилди. Эрон ҳикоянавислари уруш мавзусида асар яратар эканлар, фақатгина қаҳрамонликларни эмас, балки урушнинг салбий оқибатларини тасвирлаш тамойили ҳам уларнинг асарларида устуворлик қилди.

1993 йилда Эронда “муқаддас мудофаа” насрий ҳамда шеърӣ адабиётига доир масалалар кўриб чиқилган биринчи конференция ўтказилди. Унда бу йўналиш адабиётини янада кенгайтиришга қаратилган турли келишув ва шартномалар имзоланди. Бу конференцияда урушда жонларини аямай жонбозлик кўрсатган фидокор жангчилар тўғрисида асарлар яратишни янада кенгайтириш тарғиб-ташвиқ қилинди. Шу жиҳатдан уруш, қаҳрамонликлар, урушнинг аянчли оқибатлари мавзусида яратилган асарлар сони ортиб борди.

Эрон-Ироқ уруши мавзуси ҳозирги замон Эрон ҳикоянавислигида алоҳида ўрин эгаллайди. Урушдан кейинги йилларда ижтимоий вазиятнинг ўзгариши билан ёзувчиларнинг адабий қарашлари, ёзиш услублари ҳам ўзгарди. 80-йилларда уруш мавзусида ижод этган ёзувчилар урушда бошидан кечирган ҳодисаларни хотирлаб, асарларининг асл мазмунига айлантирган бўлсалар, 90-йилларга келиб уруш ниҳоясига етиши билан ҳарбийлар, аскарлар-

¹ ادبیاتِ دفاعِ مقنس / Fa/Tag/.../ www.defapress.ir

Хусусан, Муҳаммад Носирийнинг “فوتبال” (“Футбол”) ¹ ҳикоясида Эрон–Ироқ уруши манзаралари ва аянчли оқибатлари тасвирланган. Ҳикоя биринчи шахс – Муҳсин тилидан баён қилинади. Муҳсин ўзининг футболчи дўстлари, футбол мусобақалари ҳақида, уруш оқибатида оғбидан айрилган Алининг бошқа ҳеч қачон футбол ўйнай олмаслиги ҳақида ўкинч билан сўзлайди.

90-йиллар охири 2000 йиллар ёзувчиси Муҳаммад Ризо Аслонийнинг “*خرمائی و کمپیوتر ها*” (“Жигарранг ва компьютерлар”) ² ҳикояси эса урушга тўғридан-тўғри қарши ёзилган ҳикоя. Ажнабий экспертлар урушаётган Эрон ва Ироқ томонларининг кимёвий қурол қўлаганлигини аниқлаш учун Америка фермаларидан жўжаларни олиб келишади. Бундай қурол бу каби нозик паррандалар ҳолатига тез таъсир қилар экан. Келтирилган жўжалар орасида оқ ва жигарранг лақабли жўжалар бор. Улар юмшоқ кўкатлар ичида юришни орзу қилишади, аммо бу ерлар сахро, ҳаммаёқ қуриган, ердан нефть таъми келади. Оқ жўжа тақдирга тан бериб, бу ерларга кўникади. Бироқ жигарранг жўжа ватан соғинчидан ўлади. Ажнабий экспертлар ўлган жўжани роса текширишади, аммо кимёвий қурол ёки бошқа нарсанинг асарини ҳам топа олишмайди. Экспертларнинг миясига ватан соғинчидан ҳам ўлиш мумкин, деган фикр умуман келмайди. Уруш манзаралари, мусибатлари тасвирланган мазкур ҳикояда одамлар тақдири жўжалар тақдири билан боғланиб кетади.

Аҳмад Ғуломийнинг “سایه های ترس” (“Қўрқув шарпалари”)³ ҳикояси постмодернизм –

матн ичида матн услубида ёзилган бўлиб, ҳикоя Эрон-Ироқ урушига бағишланган. Ҳикояда иккита матн бор. Асар бўлинма аскарларининг ҳалок бўлгани, фақат кўнгиллилар қўшинидан битта ёш аскар омон қолгани ҳақидаги тасвир билан бошланади. Биринчи матнда ҳикоя қаҳрамони — ёзувчи, у юқоридаги кўнгилли ёш аскар ҳақида ёзади. Аскар оғир ярадор, лекин қандай қилиб бўлмасин ўлганларнинг рўйхатини ўзиникиларга етказиши керак. Унинг кўз олдида душман аскарлари катта ўра қазиб, мурдаларни ўрага улоқтириб юборишади. Иккинчи матнда эса аскарнинг ҳатти-ҳаракатлари мустақил, ёзувчидан холи ҳолатда фаолият кўрсатади. Ҳикояда яшашга интилиш, ҳаёт учун кураш тасвирланган. Ҳикоядаги икки матн турли шрифтда берилиб, бир-бири билан фақат қаҳрамон орқали боғланади. Аммо ҳар бир матн ўз чизигида ҳаракатланади. Биринчи матн қаҳрамони ёзувчи-адиб, аскар ҳақида ёзган. У ёзганлари ҳаётини чиқсин учун таниш докторга саволлар билан мурожаат қилиб туради. Доктор бир неча фойдали маслаҳатлар беради. Ёзувчи ўзини худди ўша аскар ўрнида тасаввур қилиб, шу вазиятда қандай қилиб тирик қолиш ҳақида ўйлайди, лекин йўл тополмайди. Ёзувчи ўзини судралиб бораётган аскардек тасаввур қилар экан, қалами ҳам тўхтамасдан аскарнинг оғир аҳволини, унинг ҳар бир силжишини тасвирлаб боради. Яъни бу матнда ижод жараёни, уни қийинчиликлари, тўғри образ топиш ва уни шакллантириш ҳаракатлари тасвирланган.

Иккинчи матн бевосита аскарнинг ўзи билан боғлиқ. Унинг денгизгача қандай машаққатлар билан етиб бориши тасвири берилади. Энди аскар ёзувчи ҳикояни ёзмаётган вақтда ҳам ўзи ҳаракатланаверади. Нейлон халтачага ўз исми ёзилан тумор ва ўлганларнинг рўйхатини солиб, уни сувга улоқтиради. Халтачани пуфлаб сузиб кетишга кўмаклашади ва денгиз соҳилида хушсиз ётиб қолади.

Ҳикоя сунгида доктор ва ёзувчининг суҳбатидан аскарнинг ҳалок бўлгани сезилади. Ҳаёт ҳақиқати шундай хотимани талаб қилади, чунки аскар жуда кўп қон йўқотган эди. Доктор худди ўзи даволаётган бемор вафот этгандек чуқур изтироб чекади. Лекин ҳеч нарса қила олмайди.

¹ Современная иранская проза. Том II. –С.154.

² Современная иранская проза. Антология иранского рассказа. Том II. — С. 31.

³ Современная иранская проза. Том I. –С.129.

Урушнинг Эрон халқи, Эрон оилалари, хусусан Эрон аёли руҳиятида қолдирган чуқур изи ҳақида туркум ҳикоялар муаллифи, ҳозирги замон Эрон адабиётининг энг йирик намоёндаларидан бири адиба Розия Тужжордир. У 1947 йилда Техрон шаҳрида дунёга келган. Унинг болалик даври Техрон шаҳрининг маҳаллаларидан бирида ўтди. Ўрта мактабни тамомлагач, университетнинг психология факультетида таҳсил олди. Асосан, ҳикоя жанрида қалам тебратиб келаётган адибанинг бир неча ҳикоялар тўплами дунё юзини кўрган. Унинг ёзувчилик фаолияти билан шуғуллана бошлаган даври 1985 йилларга, яъни Эрон-Ироқ урушининг айнаи авж олган йилларига тўғри келади. Розия Тужжор ўзига хос бир услубда ёзадики, унинг асарлари фалсафий мушоҳадалар билан бойлиги, тил ва услуб гўзаллиги жиҳатидан бошқа ёзувчиларнинг асарларидан ажралиб туради. Розия Тужжор ҳикоялари қаҳрамонларининг аксарияти аёллардир. Адиба кулранг рангдаги, машаққатларга тўла дунёни кўради, уни тасвирлайди ва асарини тушкун руҳда якунлайди. Бундай маҳзунлик унинг ижодига хос бўлган хусусиятлардан биридир.

Розия Тужжорнинг 2002 йил “پیام زن” журна-
ли мухбири Райҳона Мавлавий билан бўлган
сухбатда асарларида танланган сюжетлар адиба
шахсиятига қанчалик алоқадорлиги ҳақидаги
берилган саволга у шундай жавоб берган эди:
“Менимча чамбарчас боғлиқ. Мен ишқ ва ранж
туйғулари қоришмасидан бўлган бир аёлман.
Шу жиҳатдан фикрларимнинг ҳар бир бекатида
аёллар. Барча айтганларим ва ёзганларимга қа-
рамай, ҳали айтмаган ва ёзмаганларим унданда
ортиқ.” Адибанинг фикрича “барча жойларда,
барча даврлардаги аёлларга хос муштарак туй-
ғу ишқ ва муҳаббат туйғусидир, аёлнинг бутун
дунёни остин-устун қилиб юборадиган муҳаб-
бати. Аёллар муҳаббат учун ўзларини фидо
қиладилар, муҳаббат учун кечирадилар, меҳр
берадилар”¹, – деб ҳисоблайди Розия Тужжор.

Адибанинг “قاب انتظار” (“Соғинч қобиғи”)² ҳикояси Эрон-Ироқ урушида ҳалок бўлган аскар хотинининг кундалиги шаклида, иккинчи шахсга, яъни ёш жувоннинг эрига мурожаати шаклида ёзилган. Унда эронликлар ҳаёти, турмуш тарзи аниқ, равшан ифодаланган. Наврӯз байрамини кутиш, бу байрамда тайёрланадиган таомлар, урф-одатлар, расм-русумлар, кийимлар, келиннинг қайнонага бўлган ҳурмати кўрсатилган: (امروز با اصرار موهای پنبه ای) – “Бугун кўярда-қўймай онангинг оқарган сочларини ҳиноладим ва оёқларининг тирноқларини олиб қўйдим”, Ҳофиз девони бўйича фол очиш ва бошқа эронликларга хос хислатлар содда, раъвон тилда баён этилган. Шу жиҳатлари билан ҳикоя жуда қизиқарли. Мазкур ҳикояда адиба рангларга кўп аҳамият берган, хусусан сариқ рангининг хосиятсизлиги ҳақида زردی – مان را به آتش می دادیم و سرخی اش را می گرفتم – “Сариқ рангимизни оловга ташилардик ва қизиллигини олардик”³ жумласидан билиб олишимиз мумкин. Жувон эрининг ҳалок бўлгани ҳақида маълумотнома олган бўлса-да, унга эри гўё тирикдек, гўё узоқ сафарга кетгандек туюлади. Ўлим хабари келган бўлса-да кундалигини гўёки бир кун эри қайтиб келиб ўқийдигандек иккинчи шахсга қарата ёзишда давом этаверади. Ҳикоя муҳаббат, садоқат ва вафони тараннум этади.

Розия Тужожорнинг мана шундай мавзудаги ҳикояларидан яна бири “هفت بند” (“Етти банд”)⁴ ҳикоясидир. Мазкур ҳикоя ҳам бош қаҳрамон – Аёлнинг иккинчи шахсга, яъни аёлнинг турмуш ўртоғига мурожаати шаклида ёзилган. Ҳикоя урушга қарши ёзилган бўлиб, бу ҳикояда уруш тасвирлари ёки унинг оқибатлари эмас, ёш аёлнинг фотожурналист эрини уруш майдонларидан кутиши, изтироблари баён этилган. Ҳикояни ўқир эканмиз, унда қонли уруш манза-

²راضیه تجار. هم سیب هم ستاره. تهران، 1386. ص. 131.

³ Юқоридаги манба.

⁴راضیه تجار. هم سیب هم ستاره. تهران، 1386. ص. 213.

раларини эмас, балки бу урушнинг аёл тақдирида қолдирган изини кузатамиз. “Етти банд” – ҳар бир банд эрининг алоҳида алоҳидақилган сафарини англатади. Эри ҳар бир сафардан ўнлаб, юзлаб суратлар: шимолга, жанубга, шарққа, ғарбга қилинган сафарларнинг суратлари, хотиралари билан қайтарди. Ҳар бир сафардан кейин ҳассага бир белги қўйишга одатланганди. Бу белгилар – сафар – бандлар, уларни кузатиш мобайнида силжишларни сезиш мумкин: эзгулик манзараларидан хавф хатар манзаралари томон силжишлар. Биринчи сафар – биринчи банд: мағрур Элбурс тоғлари, минглаб дарахтларни ўзида жам этган ўрмон, шимолнинг яшиллиги, баракати суратлари. Иккинчи сафар – иккинчи банд: машаққат ва азоб, чарчаган ва чанқаган ҳолда чўлга қилинган сафар суратлари. Учинчи банд: жануб кирғоқларига, денгизларга сафар суратлари. Тўртинчи банд: зиёрат сафари, зиёратчиларнинг илтижо билан чўзилган қўллари суратлари. Бешинчи ва олтинчи банд: қашшоқлик манзаралари, хавф туғдирувчи, маъносиз қотиб қолган кўзлар, куйган суратлар. Еттинчи банд: бу эрининг сўнгги сафари бўлиб, унда эркак уруш манзараларини суратга олишга кетади, лекин бу сафардан қайтмайди. Аёл ёмон туш кўради ва почтачидан шумхабар олади. Адиба аёл изтиробларини, дарду аламларини табиат билан боғлиқ ҳолда тасвирлар экан, жуда ноёб, чиройли шоирона ўхшатишлардан фойдаланган:

من حس میکنم که زیر نگاهی که سرد است و سنگین مثل یک تکه سرب خم میشوم.¹

“Мен ўзимни совуқ ва оғир нигоҳ остида худди қўрғошин каби эгилиб кетаётгандек ҳис қиламан.”

صدایترا می شنوم. مثل صدای باد در نزار لخت است و غمگین.²

“Овозингни эшитаман. Худди ялангоч қамишзорда ҳувилаган шамолнинг овози каби ғамгин бир овоз.”

رشته های سفید سیاهی هارا هاشور میزنند. چه زود سیاه موهایت رنگ باختند و سپیدرا صدا دادند!³

“Оқ иллар қора сочларинг аро ингичка чизик чизадилар. Қанчалар тез қора сочларинг ўз рангини йўқотиб, оқ рангни чақирдилар!”

من به خنده ات دل میبندم هر چند که در همه وجودم برگریزان است.⁴

“Мен сенинг кулгингга кўнгул боғлайман. Гарчи бутун вужудимнинг япроқлари хазон бўлиб тўкилаётган бўлса-да.”

برای شکار یک دم؟ به شکار مرگ میروی و یا به شکار یاد آنهایی که به شکار مرگ رفته اند تا از دره گل سرخ خوشبو ترین گلهارا بچینند؟⁵

“Бир лаҳзалик тасвирни овлаш учун? Ўлимни овлашга борасанми ёки қизил гул водийсидан энг хушбўй гулларни териш учун ўлимни овлашга борганларнинг ёдини овлашгани?”

Гувоҳи бўлганимиздек, адиба ҳаётнинг аччиқ-чучугини яхши билиб, севган инсонини йўқотаётган аёл нигоҳи билан ҳаёт манзараларидан турли лавҳаларни китобхонга етказиб бермоқда. Юқоридаги икки ҳикояэри ҳалок бўлган бўлса-да, унга садоқатли қолиб, эрининг ёди билан яшаётган аёллар ҳақидаги маҳзун ҳикоялардир.

Адибанинг “عروج” (“Юксалиш”)⁶ ҳикояси эса соф севги, муҳаббат ҳикояси. Ҳикоя шоирона услубда ёзилган. Қаҳрамон – шаҳарлик қиз, у отаси билан қишлоққа келишни яхши кўради. Йигит эса қишлоқ муаллимининг ўғли. У ишбилармон, нуфузли, тадбиркор инсон. Улар турмуш кўрадилар. Шоирона тўй тасвири асарга янада жозиба бахш этади:

کنار درخت عشق ایستاده ام. با پیراهن سفید. هزار تکه می شوم و به هم می پیوندم. جمعیت شانه به شانه هم با دستمالهای سرخ و زرد و آبی پر می کشند به هوا. صدای طبل و دهل است و شاد باش قرانیها بوی اسپند و کنر سوختن هیمة ها جرقه های سرخ و جاری شدن خطبه ای مهربان که روحمانرا به هم پیوند میزند.⁷

³. 21. 8 ھман ڪتاب. ص

⁴. 21. 8 ھمان ڪتاب. ص

⁵. 20 ھمان ڪتاب. ص

¹ اراضیه تجار. هم سیب هم ستاره. تهران، 1386. ص. 216.

². 216. ھمان ڪتاب. ص

⁶ اراضیه تجار. هم سیب هم ستاره. تهران، 1386. ص. 25.

⁷ اراضیه تجار. هم سیب هم ستاره. تهران، 1386. ص. 31.

*“Ишқ дарахстининг ёнида турибман: оқ ли-
босда. Минг бўлакка бўлиниб кетаман ва яна
бирлашаман. Одамлар елкама-елка бўлиб, қи-
зил, сариқ ва мовий дастрўмолларини ҳавода
елтийдилар. Нозора, қўшинозора ва яқинларнинг
табрик овозлари, тутаётган исирқ ва ёнаёт-
ган ўтинларнинг ҳидлари, қизил учқунлар ҳамда
руҳимизни бир-бирига пайванд этадиган меҳ-
рибон хутба овози”.*

Уларнинг бирга ўтказган дамлари гўёки парвоз қилишга қиёсланади. Қаҳрамон аёлнинг севган кишисининг соғинчи, унга бўлган чексиз муҳаббати фақат ички изтироблар орқали ифодаланган. Бироқ ҳикояда кўп нарса мавҳум: Севган киши нима учун узоқ муддатга кетди? Қаерга кетди? Нима учун ёғоч оёқда қайтиб келди? Бу саволларга жавобни ўқувчининг ўзи жавоб топиб олади. Адиба ижодий фаолиятини бошлаган давр, асарнинг мазмунидан келиб чиқиб аёлнинг севган кишиси бир неча йиллар давом этган Эрон–Ироқ урушига кетганини ва у жангларда бир оёғидан ажралганини билиш мумкин.

90-йилларда ижодий фаолият билан шуғулланишни бошлаган 1972 йилда туғилган истеъдодли адибалардан бири Маниже Жонкулининг “بيگانه” (“Бегона”) ҳикояси урушда ҳалок бўлган ўғлини хотирлаб марака ўтказётган бева, ёлғиз яшайдиган аёл ҳақида. Она ўн саккиз йил олдин фарзандини урушда йўқотган. Муштипар она ҳар йили ўғлини йўқотган кунни хотирлаб, таниш аёлларни чақириб, отин аёлга Қуръон, айниқса “Анъом” сурасининг ниҳоясини ўқитади. Бу гал ҳам у ўттиз аёлга мўлжаллаб ҳозирлик кўрган, турли таомлар ва ширинликлар тайёрлаган. Лекин у аёлнинг шаҳид кетган ўғлини хотирлаб уюштирган маросимга ҳеч ким келмайди. Отин аёл боласининг бетоблигини, маросимга кела олмаслигини айтади. Кўшни аёллар ясан-тусан қилиб янги кўчиб келган қўшниникидаги тўй базмига кетадилар. Мусиқа, кулги садоларини эшитиб, кўчага қараган она қўшни ҳовлида хурсандчилик, зиёфатга тараддуд катталигини кўради. Она улардан хафа бўлмайди. Она ўзи Қуръон ўқиб гўё бу тўй уйланмай туриб урушда ҳалок бўлган ўғлининг тўйи деб тасаввур қилади. Одамлар бир болани эслаб ғам-қайғуга ботгандан кўра зиёфатни, хур-

сандчилиқни афзал кўрадилар. Бу инсон табиатига хос. Фақат она қалби фарзандини унутмайди. Ҳикояда урушда ҳалок бўлганларнинг хотираси муқаддас, бу хотира оналар қалбида мангу яшаши қабил ғоя ҳикояда етакчилиқ қилади.

Гувоҳи бўлиш мумкинки, аёл ижодкорлар ҳикояларида уруш мавзуси аёлларгагина хос бўлган ҳис-ғуйғулар, ҳислатлар қоришмаси махсули сифатида намоён бўлиб, уруш аёл қаҳрамонлар тақдирида оғриқли ўчмас из қолдирди. Бундай ҳикоялар қаҳрамонлари: дём-дараксиз йўқолган ўғлининг урушдан қайтишини ҳануз кутаётган она, ўз ёрини урушдан қайтишидан умидини узмаган келин, фарзанди ёки ёри хотирасига садоқатли аёл.

Хулоса қилиб айтганда, саккиз йиллик уруш ҳозирги замон эрон адабиётига янги уруш адабиёти йўналишининг кириб келишига, адабиётда мавзулар кўламининг кенгайишига сабаб бўлди. Ҳикоянависликда Эрон-Ироқ уруши, унда кўрсатилган қаҳрамонлик, уруш тафсилотлари ва айниқса уруш оқибатларининг эронликлар ҳаётига таъсири мавзуси етакчилик қилди. Бундай адабий жараёнларда аёллар ижоди алоҳида ажралиб турди.

Урушда жон берган инсонлар хотираси муқаддас экан ватан учун тўкилган қонлардан униб чиққан лолалар каби, ўша машғум уруш хотираларидан инсонни ўйга чўмдирадиган, ҳамдардлик уйғотадиган, ёрқин ва энг муҳими унутмасликка ундайдиган асарлар яралаверади.

